

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01-07  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВА ГЎЗАЛ СУЛТОНОВНА**

**ТЎЛИҚ ВА НОТЎЛИҚ ОИЛАЛАРДАГИ ОНА ШАХСИНИНГ  
ФАРЗАНД ИЖТИМОЙ ТАСАВВУРЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**19.00.05 - Ижтимоий психология. Этнопсихология  
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата  
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on psychological Sciences**

**Юнусова Гўзал Султоновна**

Тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги она шахсининг фарзанд  
ижтимоий тасаввурларига таъсири.....3

**Юнусова Гузал Султановна**

Влияние личности матери на социальные представления ребенка  
в полных и неполных семьях.....25

**Yunusova Guzal Sultonovna**

The mother effect to children's social imagination in full and semifully  
family.....47

**Эълон қилинган ишлар**

Список опубликованных работ  
List of publishet worka.....50

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01-07  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВА ГЎЗАЛ СУЛТОНОВНА**

**ТЎЛИҚ ВА НОТЎЛИҚ ОИЛАЛАРДАГИ ОНА ШАХСИНИНГ  
ФАРЗАНД ИЖТИМОЙ ТАСАВВУРЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**19.00.05 - Ижтимоий психология. Этнопсихология  
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Psi47 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Умаров Бахриддин Менгбоевич**  
психология фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримова Василя Маманосировна**  
психология фанлари доктори, профессор

**Соғинов Нурмат Абдусаматович**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Psi.01-07 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, «В» қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74).

Диссертация автореферати 201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ғ.Б.Шоумаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

**А.И.Расулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

**Н.С.Сафаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги қатор етакчи давлатларда нотўлиқ оилаларда туғилаётган ва тарбияланаётган фарзандларнинг улуши ҳар йили ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Россияда нотўлиқ оила фарзандлари, мавжуд оилалар фарзандларининг 30%, АҚШда 33%, Исландияда 64%, Швецияда 54%, Буюк Британияда 38%, Финляндияда 37% ни ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Саломатликнинг тўрта компонентлари ўзаро таққосланганда нотўлиқ оила фарзандларида биринчи навбатда соматик бузилишлар 59,6 %, аксинча тўлиқ оилаларда 57,3 %, психологик бузилишлар (69,2 %, аксинча, 37,9 %), жисмоний бузилиш (31,2%, аксинча 21,4%) ва психик бузилиш (14,6%, аксинча 9,6%)ни ташкил этмоқда. Шунингдек, нотўлиқ оилалардаги ўғил болаларда саломатликнинг барча компонентлари бўйича бузилиш тўлиқ оилалардагига нисбатан юқори эканлиги ҳамда уларда соматик бузилишдан ҳам кўра психологик саломатлигидаги бузилишлар кўпроқ учрамоқда<sup>2</sup>. Шу жиҳатдан тўлиқ ва нотўлиқ оилаларнинг фарзандларни психологик ва жисмоний камолотини таъминлашдаги роли муҳим бўлиб қолаверади.

Жаҳонда оналик тимсоли психоаналитик, этологик ва бихевиористик жиҳатдан, она феноменининг пренатал психологияси, оналикка тайёрликнинг психологик жабҳалари, оналик мустақил психологик феномен сифатида, нотўлиқ оиланинг келиб чиқиш сабаблари, ёлғиз онанинг психологик хусусиятлари, оиладаги шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари, оилавий низолар, тўлиқ ва нотўлиқ оила фарзандларида ижтимоий ролларнинг шаклланиши, нотўлиқ оилала фарзандларининг хулқий оғишлари сабаблари, тенгдошлари билан муносабат хусусиятлари тадқиқ қилинган бўлса-да, ўсмир ва илк ўспиринларнинг истиқболи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлари шаклланишида она шахсининг таъсири муаммосини ижтимоий психологик жабҳадан тадқиқ этишга эҳтиёж бор.

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга эътибор глобал даражада, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>3</sup> доирасида эътибор қаратилиб, оилани ривожлантириш масалалари бўйича давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор ҳамкорлигини йўлга қўйиш, оила ажралишлари билан боғлиқ салбий тенденциялар ва муаммолар сабабларини бартараф этиш, замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оила фаровонлиги даражасини ошириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий кадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий

<sup>1</sup> <https://materinstvo.ru/art/2074>

<sup>2</sup> Гафнер В. В., Петров С. В., Забара Л. И. Опасности социального характера и защита от них <http://xn---7sbabeyoc2augbjcmunct7d7goa0d.xn--80afh5aqv.xn--p1ai/chitat-posobie/glava-3-opasnosti-obshchestvennogo-haraktera/problemy-nepolnyh-semey/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

муҳитни яхшилаш, оилаларга таъсирчан методик, консултантив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Мазкур чора-тадбирлар она шахсининг фарзанлар камолотига таъсири, уларнинг турли оила турлари ва шаклларида қатъий назар барқарор тарбия муҳитини таъминлашга хизмат қилувчи психологик омилларни аниқлаш ва уларни турмушида татбиқ қилиш вазифасини юклармоқда.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда она тарбияси таъсирида бўлган ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги ўғил болалар ва қизларнинг ҳаётий кадриятларга муносабатлари, ижтимоий мўлжаллари, ижтимоий тасаввурлари ҳамда истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари ва уларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги масалаларининг турли жиҳатларини ўрганиш юзасидан салмоқли тажрибалар тўпланган. Хорижий мамлакатларда бевосита тўлиқ ва нотўлиқ оиладаги шахслараро муносабатларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари айрим тадқиқотларнинг предмети сифатида ўрганилган: барқарор ва дисфункционал оилаларни ўрганиш анъаналари (В. Сатир, 1992, Р. Хилл, 1948, А.Е. Личко, 1989, Э.Г. Эйдемиллер, В. Юстицкий, 1999, Варга А.Я., В.В. Столин, 1986, О.А. Карабанова, 2004, Н.Н. Посысоев, И.А. Можаровская, 2004), оилани инсонни маънавий камолотига, руҳий барқарорлигига таъсири (Дружинин В.Н., 2000, Гуцина Т.В., 2005, Иванченко В. А., 2012.), оила психологик ҳимоя маскани (Р.М.Грановская, 1984, Э.И. Киршбаум, А.И. Еремеева, 1993, Л.Р. Гребенников, Е.С. Романова, 1996, Е.В. Чумакова, 1998, В.Г. Каменская, 1999, Д. Паркер и Н. Эндлер, 1990), оила – кичик ижтимоий гуруҳ ва нотўлиқ оила бундан мустасно эмас (Е.Б. Агафонова, 2004; Н.С. Фонталова, 2004; М.Ю. Казарян, 2007; Б.Б. Нусхаева, 2007; С.А. Трофимова, 2011) ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда ҳам тўлиқ ҳамда нотўлиқ оилаларнинг психологик хусусиятлари, оиланинг психологик типологияси, оилавий ажримларнинг фарзандлар тарбиясига таъсирининг психологик сабаблари, оиланинг этно-психологик хусусиятлари ва хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни масалалари бир қатор психологик тадқиқотларда (Ғ.Шоумаров 1993, В.Каримова 1994, Р.Самаров 2005, 2012, Х.Каримов 1994, Г.Ядгарова 2004, А.Кадирова 2007) ўрганилган. Мазкур ишларда тўлиқ ва нотўлиқ оилада она шахси таъсирида тарбияланаётган ўсмир ва илк ўспиринларнинг ҳаётий қадриятларга муносабатлари, ҳаётий мўлжаллари ва истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари этнопсихологик жиҳатдан алоҳида ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Баркамол авлод тарбиясини юқори малакали мутахассис сифатида тайёрлаш” илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон шароитида тўлиқ ва нотўлиқ оилалар муҳитида она шахси таъсирида ўсмир ва илк ўспиринларнинг ҳаётий қадриятларга муносабатлари, истиқбол тўғрисидаги тасаввур ва мўлжалларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг ривожлантириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон шароитида тўлиқ ва нотўлиқ оилалар ва уларнинг хусусиятларига боғлиқ тарзда ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги ўғил болалар ва қизларнинг ҳаётий қадриятларга муносабатлари, истиқбол тўғрисидаги тасаввур ҳамда мўлжалларини ўрганишнинг назарий-методологик тамойилларини ишлаб чиқиш;

тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги она мақомининг оилавий уюшганлик феноменига таъсирини ўрганиш;

тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги оналарнинг ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзандлари психологиясини қай даражада билишларини эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш;

нотўлиқ оилалардаги ёлғиз она мақомини олган аёлларнинг фарзандларига кўрсатадиган таъсирининг ўзига хослиги ва бу таъсирнинг қиз бола ҳамда ўғил болага нисбатан алоҳида таъсир кучи борлигини эмпирик жиҳатдан асослаш;

тўлиқ ва нотўлиқ оила вакиллари бўлган ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги ўғил болалар ва қизларнинг ҳаётий қадриятларга муносабатлари, ҳаётий мўлжаллари, истиқбол тўғрисидаги тасаввурларини эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш;

истиқбол тўғрисидаги тасаввурларида қарама-қаршилик ва ноадекватлик аниқланган ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги ўғил болалар ва қизларнинг ҳаётий қадриятларга муносабатлари, ҳаётий мўлжалларини ўрганиш уларда истиқбол тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш,

ўзгартириш ва профилактика қилиш юзасидан ижтимоий-психологик тренинглари дастури ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона ва Наманган вилоятларидан тўлиқ оила вакили бўлган 140 нафар ва нотўлиқ оила вакили бўлган, 135 нафар ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзандлар (жами 275) ҳамда тўлиқ оила вакилаларидан 120 нафар ва нотўлиқ оила вакилаларидан 135 нафар оналар (жами 255) жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда она тарбияси таъсирида бўлган ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги ўғил болалар ва қизларнинг ҳаётий қадриятларга муносабатлари, ижтимоий мўлжаллари, ижтимоий тасаввурлари ҳамда истиқбол тўғрисидаги образларининг хусусиятлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда “Оилавий муносабатларнинг эгилувчанлиги ва уюшганлигини диагностика қилиш” (FACES III) методикаси; (Эйдемиллер, И.Добряков, И.Никольская), “Катталарнинг ўсмирлик ёшидаги фарзандларининг ёш хусусиятларини билишлари” тести (Ж.Пиаже, И.Кон), “Қўллаб-қувватлашга нисбатан мотивацияни ўрганиш” методикаси (Д Краун, Д.Марлоу), “Қадриятлар ориентацияси” методикасини қайта ишланган варианты (М.Рокич), “Оилавий ҳаётга маънавий тайёрлик” тести Ғ.Шоумаров, Н. Соғинов), “Ўн йилдан кейинги ҳаётим” мавзусида ёзилган иншоларнинг контент-таҳлили ҳамда тадқиқотдан олинган эмпирик маълумотларнинг валидлиги ва ишончлилигини аниқлашда математик статистика методларидан (фоизли таҳлил, Пирсоннинг корреляция коэффициенти, Стъудентнинг t-мезони) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда ўсмир ва илк ўспиринларнинг шахсий қадриятлари, истиқболлари тўғрисидаги ва ижтимоий мўлжалларига мувофиқ миқдорий жиҳатдан “нуклеар”, оилавий муносабатларига кўра “уюшқоқ”, “ҳамфикрлилик” (эгалитар) оила типлари бўйича оила қуришга мойилликлари аниқланган;

нотўлиқ оилалардаги ўсмир ва ўспиринларнинг шахслараро муносабатларда ижтимоий-масофа сақлаш ва “бегоналашув”нинг мавжудлиги тенгдошларига нисбатан авторитар, худбин, конформлик ва агрессив муносабатда бўлиш хусусиятлари аниқланган;

оила туридан қатъий назар ўсмир ва илк ўспирин ўғил болалар қизларга нисбатан ўзгаларнинг қўллаб-қувватлашига кучлироқ эҳтиёж сезиши, “вояга етганлик ҳисси” пайдо бўлишига қарамай, ўзгаларнинг психологик кўмагига муҳтожлиги нотўлиқ оила ўғил фарзандларига хослиги аниқланган;

нотўлиқ оиладаги онанинг ягона “етакчи” эканлиги, оилавий ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш истагининг устуворлиги билан ўсмир ва илк ўспириннинг “ўзини катта бўлиб қолганлик” истаги ўртасидаги зиддият она билан бола муносабатидаги низоларнинг келтириб чиқарувчи омил эканлиги аниқланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўсмир ва илк ўспиринликларнинг кадриятлар тизими, ижтимоий мўлжаллар, истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари психодиагностика қилиш тизимлаштирилди ва хизмат амалиётига олиб кирилди;

тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда фарзанд тарбияси билан шуғулланиш жараёнида муаммоларни олдини олишга йўналтирилган (психологик маърифат, психодиагностика, психокоррекция, психоконсултация, психопрофилактика) бўйича амалий ишда қўлланиши мумкин бўлган дастур ишлаб чиқилди;

нотўлиқ оилалардаги ўсмир ва ўспиринлар билан она ўртасидаги муносабатларини профилактика қилиш ва коррекциялаш учун психотренинг дастури синовдан ўтказилди ва амалий психологлар фаолиятида қўллаш учун тавсия этилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқот объектларини Ўзбекистон муҳиtida танланганлиги, тадқиқотларда танланган респондентларнинг етарлича реперезентативлиги, аниқлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади. Натижалар ўртасидаги фарқлар ишонччилигини аниқлашда, натижалар математик-статистика методларини самарали қўллаш имконини берувчи К.Пирсонни  $\chi^2$ - квадрат усули, Стьюдент критик мезонидан Спирменнинг оддий корреляцион таҳлил усулларида фойдаланилганлиги билан белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оилавий муносабатлар психологияси ҳақидаги назарий билимларни бойитишга хизмат қилиши, боланинг шахс сифатидаги ижтимоийлашуви, оиланинг роли тўғрисидаги илмий тасаввурларини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот иши натижалари ижтимоий психология ва оила психологияси тармоқларини янги илмий манбаалар билан тўлдиради, ижтимоий психологиянинг тадбиқий соҳаларига оид бўлимларида психодиагностик, психокоррекция ва девиант хулқ профилактикаси бўлимлари учун ҳам керакли маълумотлар билан тўлдиради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация натижаларидан хотин-қизлар кўмиталари, Республика “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва ҳудудий бўлимлари, “Ижтимоий мослашув марказлари”, “Хотин-қизлар марказлари”, “Ёш оила марказлари”, “Кризис марказлари” ва турли йўналишлардаги ўқув марказлари орқали хотин-қизлар, ёшлар ва ёш оилаларга ижтимоий, таълимий ҳамда психологик ёрдам беришда амалий жиҳатдан фойдаланиш, мумкин. Маҳаллаларда фаолият юритаётган диний–маърифий ва маънавий–ахлоқий тарбия масалалари бўйича

маслаҳатчиларининг турли хил оилалар билан бевосита ишлашларида, жумладан, нотўлиқ оила вакиллари билан маънавий-маърифий, профилактик ҳамда коррекцион ишларни ташкил этишда ёрдам беришига имкон беради. Диссертация маълумотлари ота-оналарга, ёш оила мактаблари тингловчиларига ҳам қўл келиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги она шахсининг фарзанд ижтимоий тасаввурларига таъсири бўйича олинган илмий натижалари асосида:

тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда ўсмир ва илк ўспиринларнинг шахсий кадриятлари, истиқболлари тўғрисидаги ва ижтимоий мўлжалларига мувофиқ миқдорий жиҳатдан “нуклеар”, оилавий муносабатларига кўра “уюшқоқ”, “ҳамфикрлилик” (эгалитар) оила типлари бўйича оила қуришга мойилликлари юзасидан олинган натижалар мактаб амалиётчи психологлари фаолиятига жорий қилинган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 03-02/2-2-917-сон маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг жорий қилиниши умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, амалиётчи психологлари томонидан мактаб ва оила ҳамкорлигининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш, шакллантириш, ривожлантириш ва таълим-тарбия жараёнида самарали натижаларга эришиш имкониятлари кенгайтириши таъминлаган;

нотўлиқ оилалардаги ўсмир ва ўспиринларнинг шахслараро муносабатларда ижтимоий-масофа ва “беғоналашув”нинг мавжудлиги, тенгдошларига нисбатан авторитар, худбин, конформлик ва агрессив муносабатда бўлиш хусусиятлари юзасидан олинган натижаларидан Республика болалар ижтимоий мослашув маркази тизимида фойдаланилган (Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 2018 йил 13 ноябрдаги 06/639-сон маълумотномаси). Натижада ижтимоий мослашув маркази психологлари фаолиятининг илмий-методик таъминоти кучайтирилиши таъминланган;

оила туридан қатъий назар, ўсмир ва илк ўспирин ўғил болалар қизларга нисбатан ўзгаларнинг қўллаб-қувватланишга кучлироқ эҳтиёж сезиши, “вояга етганлик ҳисси” пайдо бўлишига қарамай, ўзгаларнинг психологик мададига муҳтожлиги кўпроқ нотўлиқ оила ўғил фарзандларига хослиги аниқланган илмий натижалардан “Оила” марказлари психологлари фаолиятида фойдаланилган (Республика “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2018 йил 29 октябрдаги 750-сон маълумотномаси). Натижада “Оила” марказлари психологлар ҳамда маҳалла маслаҳатчилари фаолиятининг илмий-методик таъминоти кучайтирилган;

нотўлиқ оиладаги онанинг ягона “етакчи” эканлигидан келиб чиқиб, оилавий ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш истагининг устуворлиги билан ўсмир ёки илк ўспириннинг “ўзини катта бўлиб қолганлик” истаги ўртасидаги зиддият она билан бола муносабатидаги низоларнинг келтириб чиқарувчи омил эканлиги аниқланган “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятида қўлланилган (Республика “Оила” илмий-амалий

тадқиқот марказининг 2018 йил 29 октябрдаги 750- сон маълумотномаси). Натижада оналарнинг бола шахсига позитив таъсири самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи ижтимоий- психологик тренинглар дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Педагогика ва умумий психология” кафедрасининг 2018-йил 31 январдаги 12-сонли йиғилишида ва 2017 йил 5 декабрда, Андижон Давлат университетининг Психология кафедрасининг 2017 йил 5 декабрдаги 5-сонли йиғилишида муҳокама қилинди. Шунингдек, унда қўлга киритилган илмий янгиликлар Республика ҳамда Халқаро илмий-амалий анжуманларда ва илмий журналларда (2007-2018) эълон қилиб борилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Илмий-тадқиқот иши юзасидан 1 та монография, 25 та илмий мақолалар нашр қилинган бўлиб, шу жумладан 4 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган. Тадқиқот натижалари 8 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертацион иш кириш, 3 боб, 9 та параграф, хулосалар ва амалий тавсиялар, 153 номли фойдаланилган адабиётлар рўйхати, жумладан, 10 та интернетдан олинган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 182 бет бўлиб, унда 23 та жадвал, 5 та расм келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Диссертациянинг кириш қисмида** илмий тадқиқот ишининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, унда қўлланилган усуллар, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, натижаларнинг нашр қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

**Диссертациянинг биринчи боби** “Ижтимоий психологияда тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги оилавий муносабатларни назарий ўрганилиши” деб номланади. Ушбу бобнинг биринчи параграфида Шарқда, жумладан, Марказий Осиёда яшаган, ижод қилган ва авлодларга ўзларининг нодир маънавий меросларини қолдирган алломаларнинг оила, оила тарбияси ва шахсни соғлом муносабатлар муҳитида тарбиялашнинг аҳамияти борасидаги қарашлари ўрганилган ва фикрлар умумлаштирилган. Оила ва жамият муносабатлари тизимида тарбияланадиган шахс тарбияси хусусидаги ҳамда оилавий тарбия анъаналарининг кадр-қимматини ўз асарларида баён этган Абу Мансур ал-Мотуридий қарашлари, буюк алломаларимиз бўлмиш Абу Наср Фаробий, Абу Бакр ар-Розий, Абу Райҳон Беруний, Мир Алишер Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али Ибн Сино, яқин ўтмишдаги алломалар Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад

Юсуф ва бошқаларнинг оилавий муносабатлар ва уларнинг фарзанд тарбиясига таъсирига оид фикрлари илмий-психологик жиҳатдан таҳлил қилинган.


Бобнинг иккинчи ва учинчи параграфида ҳозирги кунда умумий психология, ижтимоий психология ҳамда бошқа турдош фанларда тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги шахслараро муносабатлар муаммосининг ўрганилиши, ушбу муносабатларнинг конструктив ва деструктив оқибатлари россиялик ҳамда бошқа хорижлик олимлар (В.Сатир, С.Броди, В.Дружинин, А.Антонова, Е.Соколова, Л.Ковар, С.Голод, В.Иванченко, Т.Гущина ва бошқалар) изланишлари, ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммоларини, уларда миллий удумлар, қадриятларнинг бола тарбиясига таъсири масаласи М. Давлетшин, Э. Ғозиев, Ғ.Шоумаров, Б.Қодиров, В.Каримова, Б.Умаров, Р.Самаров, Н. Соғинов, М. Расулева, М.Умарова, О.Абдусатторова, Ҳ.Ҳайдарова, Ф.Акрамова, Н.Салаева, М.Салаева, Г.Ядгарова ва бошқаларнинг илмий ишларида асосланган. Алоҳида тарзда тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда болаларнинг ижтимоий ҳулқини белгиловчи омиллар доирасида Г.Ядгарова, Б.Умаров, Ғ.Нормуродов изланишлари ўрганилган. Уларда хусусан, тўлиқ ва нотўлиқ оиладаги муносабатларнинг вояга етмаганлар жиноятчилигига таъсири, нотўлиқ оиладаги ижтимоий-психологик муҳит масаласи ўрганилган бўлиб, бу хулосалар диссертациямиз моҳиятига муайян маънода яқиндир.

Аммо, Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар асосида биз оилавий муносабатлар натижасида болаларда истиқбол тўғрисидаги тасаввурларнинг ва шу аснода зарур маънавий фазилатлар ҳамда инсоний сифатлар шаклланиши масаласининг тўғри қўйилганлигини ҳамда ушбу жараёнда она шахси таъсирини алоҳида предмет сифатида ўрганилмаганлигининг гувоҳи бўлдик.


Диссертация ишининг иккинчи боби **“Тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги она мақоми ва уларни ижтимоий-психологик тадқиқ этиш тамойиллари”** деб номланган бўлиб, унинг биринчи параграфида Тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда она ва бола муносабатларининг ижтимоий-психологик тавсифи ҳамда маҳаллий ва хорижлик олимларнинг “Нотўлиқ оила” нинг аёл руҳиятига таъсири масаласи, фарзандлари билан ёлғиз қолган онанинг руҳий ҳолати, унинг дунёқараши, одамларга, оила ва никоҳга муносабати, ижтимоий-психологик мақомидаги ўзига хос муаммоли ҳолатлар, унинг фарзандлари ижтимоий-психологик мақомларида, ижтимоий тасаввурларида қисман ижобий, шу билан бирга бир қатор салбий ҳис-кечинмаларни келтириб чиқариши тўғрисидаги фикрлари таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда она мақомига боғлиқ равишда оилавий уюшганликни эмпирик ўрганиш натижалари” (FACES III)** деб номланган иккинчи боб иккинчи параграфида Э.Эйдемиллер, И.Добряков, И.Нокольскаялар томонидан модификация қилинган **“Оилавий муносабатларнинг эгилувчанлиги ва уюшганлигини диагностика қилиш”** методикаси ўсмир ва илк ўспиринлик ёшидаги

фарзанди бор оналарда қўлланилди (1 ва 2 расм).



1-расм. Тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги оналарнинг оилавий муносабатлардаги эгилувчанлиги (%да).



2-расм. Тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги оналарнинг оилавий муносабатлардаги уюшганлиги (%да).

Диаграммадан (2-расм) кўришиб турибдики, тўлиқ оила аъзоси бўлган оналарнинг аксарияти (36,7%) ўз оиласида фарзандлар ва бошқа аъзолар билан уюшган тарзда турмуш кечиришини, муносабатларда ижтимоий-психологик нуқтаи назардан таҳлил қилинганда маълум маънода эгилувчанлик (45,8%) борлигини тан олади. Нотўлиқ оиладаги оналарнинг жавобларидан кўринадики, ўзаро муносабатларни ижтимоий-психологик жиҳатдан ижобий маънода уюшган, деб бўлмайди. Чунки оналарнинг салкам 29 фоизи ўз жавобларида уларнинг оилавий муносабатларига уюшганликдан кўра уюшмаганлик хос эканлигини тан олган. Ўтказилган математик-статистик таҳлил ҳам тўлиқ ва нотўлиқ оиладаги ижтимоий-психологик муносабатларда муайян фарқлар борлигини исботлади (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**$\chi^2$  – Пирсон усулида тўлиқ ва нотўлиқ оиланинг эгилувчанлиги даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ**

Гуруҳлар	Р- тўлиқ оила	Р <sup>1</sup> –нотўлиқ оила	Р-Р <sup>1</sup>	d <sup>2</sup>	d <sup>2</sup> /p <sup>1</sup>
Деярли намоён бўлмайди	7,5	16,3	-8,8	77,49	4,75
Баъзан намоён бўлади	30,0	22,2	7,8	60,84	2,74
Эгилувчан	45,8	18,54	27,26	743,10	40,08
Тартибсиз	16,7	42,96	26,29	691,16	16,08

$\Sigma d^2/p=63,65$

Рақамлар шундан дарак бермоқдаки, эркин сон  $k=(n_1-1)(n_2-1)$   $k=(4-1)(2-1)=3$   $\chi^2_{st} 16,27 < \chi^2_{факт} 63,65$   $P < 0,001$  бўлганда иккала гуруҳ аёлларнинг фикрларидаги фарқ ишончлидир. Бунинг асосий сабаби, албатта, она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларда эгилувчанликнинг камлиги бўлиб, 42,96% оналар муносабатларда эгилувчанликка йўл қўймасликларини ўзлари тан олганлар. Қолаверса, олинган натижаларнинг кўрсатишича, она-бола муносабатлари хаотик, (тартибсиз) характерга эга. Чунки оналарнинг 58 нафари берган жавоблари оилада барибир назоратнинг мунтазам характерга эга эмаслиги, оилавий роллар тақсимооти йўқлиги, онанинг барча томонидан лидер, деб эътироф этилмаслиги, оилавий қонун-қоидаларга риоя этиш сустлигидан дарак бермоқда. Фақат 25 нафар онагина вазият тақозоси билан муносабатларни тузата олиши, оилавий қонун-қоидалар ўзгариши мумкинлигини эътироф этадилар.

Демак, тўлиқ оиладан фарқли ўлароқ, нотўлиқ оиладаги она ўзининг ягона “катта” эканлигидан келиб чиқиб, оилавий ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришни истайди, лекин бу истак ўсмирнинг “ўзини катта” деб ҳис қилишга бўлган эҳтиёжи билан тўқнашиб, она ва бола ўртасидаги турли низоларнинг келиб чиқишига, онанинг етакчи эканлигини тан олмаслик ҳолатини туғдиради.

Қуйида ушбу маълумотларни шу оналарнинг фарзандларидан олинган, уларнинг истикболда оилавий муносабатлар ва оиладаги ҳамжиҳатлик ва

уюшганликни қандай тасаввур қилишлари борасида олган маълумотлар билан солиштирамиз.

Респондент ўсмирлар ва илк ўспиринлик ёшидаги болаларнинг аксарият жавоблари биз уларнинг келажакдаги оиласини демократик, уюшган ва фикрлар ҳамиша ҳурмат қилиши устувор бўлган тарзда тасаввур қилишни истагини аниқладик. Чунки оила аъзолари ўртасидаги ҳиссий-эмоционал яқинликнинг мавжудлигини кўрсатувчи жавоблар мисолида турли тоифа гуруҳларнинг фикрларини бир-бирига солиштирганимизда, қуйидаги 2-жадвалда келтирилган маълумотларга эга бўлдик. Бунга кўра оиладаги маънавий муҳитнинг барқарор бўлиши, аъзоларнинг бир-бирларини тушунишлари, қўллаб-қувватлашлари оила ҳамжиҳатлиги ва уюшқоқлигининг асосий мезонлари сифатида ўсмир ва илк ўспирин ёшли болалар томонидан яқдил ифодаланмоқда.

## 2-жадвал.

### Ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги болалар(N= 275) нинг истиқболда улар хоҳлаган оиладаги ҳиссий-яқинлик тўғрисидаги тасаввурлари (балл ҳисобида)

Вариантлар	Тўлиқ оила		Нотўлиқ оила	
	Қизлар (n = 90)	Ўғил болалар (n = 50)	Қизлар (n = 86)	Ўғил болалар (n = 49)
1.Оиламда ҳамма бир-бирига ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлар эди	4,44	4,4	4,39	4,5
11.Оиламиз аъзолари ўзаро жуда яқин эканлигимизни ҳамиша ҳис қилишимиз керак	4,38	4,5	4,56	4,9
19.Оиламиз учун бирлик, ҳамжиҳатлик ўта муҳим бўлиши керак	5	4,6	5	4,8

Нотўлиқ оиладаги қизларнинг оптимизм кўрсаткичларидан маълум бўлдики, улар сал бўлса-да, оила аъзолари доимо бир-бирларини қўллаб-қувватлашларини истайдилар. Ҳиссийлилик борасида яқин бўлиши керак деб ҳисоблаган ҳолда, оила лидери айнан кимдир, бир шахс бўлиши тўғрисидаги тасаввурга эгалар. Ёки айнан шу гуруҳнинг фикрича, бирор қарорга келишда унинг турлича ечими бўлиши мумкин эмас, болани жазолашда катталарнинг ўзлари қарор чиқариб қўйиши мумкин, бўш вақт тақсимида ҳам иккиланиш белгилари бор. Нотўлиқ оилада тарбияланаётган ўсмир ва илк ўспирин ёшли ўғил болалар эса қизлардан кўра анча оптимистик руҳда бўлиб, улар кўпроқ демократик тамойилларга суянган оилавий ўзаро муносабатларни хоҳлайдилар. Чунки уларда, ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш, оиладаги назорат ва болага жазо бериш, хаттоки, лидерлик масаласида ҳам анча илғор муносабатлар тўғрисида тасаввурлар бор.

Учинчи параграфда Ж.Пиаже ва И.С.Кон томонидан ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшли болаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган


“Катталарнинг ўсмирлик ёшидаги фарзандларининг ёш хусусиятларини билишлари” номли методидан фойдаландик. Ҳар бир текширилувчининг тест натижалари («хом» бирликлар) сўнгра стандарт (Т-бирликлар) натижаларга кўчирилади (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**Оналарнинг ўсмир ва илк ўспирин ёшдаги фарзандларини тушунишлари кўрсаткичлари бўйича нисбати (n=135)**

Оналарнинг гуруҳлари ва сони	Оналар сони ва % нисбати	«хом» бирликларнинг ўртача қиймати	Т- бирликларнинг ўртача қиймати
«А» - гуруҳ	21 / 15,6	16,9	63-67
«В» - гуруҳ	65 / 48,15	12,7	50-53
«С» - гуруҳ	49 / 36,3	6,2	30-34

Тўпланган маълумотлар бўйича чиқарган хулосаларимиздан бири шу бўлдики, нотўлиқ оиладаги оналар тўлиқ оиладагиларга нисбатан фарзандининг индивидуал ва ёш хусусиятларини яхшироқ билади, улардаги ёшга боғлиқ ўзгаришларни яққолроқ тасаввур қилади. Яъни, ёлғиз она – аёл ўз боласини диққат марказидан камроқ қочиришга, ундаги ўзгаришларнинг гувоҳи бўлишга иштиёқи бошқа тоифалардагилардан юқори бўлар экан.



**3-расм. Респондент ўсмир ва илк ўспирин қизлар (n=176)нинг қўллаб-қувватлашга нисбатан мотивацияси кўрсаткичлари бўйича тақсимоги.**

Диаграммадаги (3-расм) рақамлар шундан далолат берадики, қандай оила бўлишидан қатъий назар, йигитлар қизларга нисбатан айнан ўсмирлик ёшида ўзгалар томонидан қўллаб-қувватланишга кучлироқ эҳтиёж сезади, чунки бу даврда ўзига хос “катталиқ ҳисси” пайдо бўлишига қарамай, улар ўзгаларнинг психологик мададига муҳтожроқдир. Лекин бу ҳолат кўпроқ нотўлиқ оила йигитларига хос эканлигини ҳам эътироф этиш лозим. Чунки нотўлиқ оиладаги қизлар ва йигитлар маълумотларига эътибор берсак, юқори балл олган қизларнинг (17,7 балл) 29,1 % ва ўғил болаларнинг 40,8 % юқори балл (16,7 б.) тўплаган. Демак, нотўлиқ оилада тарбияланаётган ўғил болалар



ёлғиз она билан яшаса ҳам, унга суянч ва таянч бўлишни ният қилгани билан ўзлари ўзгаларнинг қўллаб-қувватловига кўпроқ муҳтождирлар.

Иккинчидан, ўртача кўрсаткичларда қўллаб-қувватловга муҳтожликни намоён этганлар умумий танловда аксариятни ташкил этишига қарамай (44%), бу борада ҳам нотўлиқ оила вакиллари бўлган ўғил болаларнинг кўрсаткичлари ҳамманикидан юқорироқ (51%). Демак, бу ҳолат ҳам яна бир маротаба нотўлиқ оиладаги ўсмир ўғил болаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватловга бошқаларга нисбатан кўпроқ эҳтиёж сезишини исботлаб турибди. Улар тўлиқ оиладаги тенгқурларидан бу борада кескин ажралиб турибдилар (38 ва 51 %%%).

Учинчидан, тўлиқ оила қизлари ижтимоий қўллаб-қувватловга кўпроқ муҳтож эканлиги уларнинг фақат 17,8 % паст кўрсаткичдаги мотивацияни намоён қилганлигида намоён бўлди, нотўлиқ оила вакиласи бўлмиш қизлар эса онасининг таъсирида кўпроқ бўлишига қарамай, кўпроқ мустақилликка интилиши кўринди.

Тўртинчидан, онанинг ёлғизлиги фақат қиз болаларга ижобий таъсир кўрсатади. Ўғил болага она кўпроқ ишонгани, унга суянгани билан аслида ўғил бола ўзи кимгадир суянишга кўпроқ эҳтиёж сезар экан. Бу ўғил боланинг отаси бўлишини қиз болага нисбатан кўпроқ хоҳлашининг бир далилидир. Демак, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўғил бола қизларга нисбатан оилада ота бўлишини айнан ўсмирлик ва илк ўспиринлик даврида кўпроқ истайди.

Диссертациянинг учинчи **“Тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда тарбияланаётган болаларнинг ҳаётий қадриятлар ва истиқбол тўғрисидаги тасаввурларидаги ижтимоий-психологик ўзига хослик ва уни тўғри шаклантиришда оналарни функционал роли.”** деб номланган бобининг биринчи параграфи “Тўлиқ ва нотўлиқ оилаларда тарбияланаётган ўсмирлар ҳамда илк ўспиринларнинг ҳаётий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлари.”деб номланиб, ушбу параграфда танлаб олинган респондентларнинг биз танлаган муаммонинг предметига алоқадор ижтимоий тасаввурлари тўлиқ ва нотўлиқ оила фарзандлари муносабатлари мисолида ўрганилди.

Келтирилган (4-жадвал) маълумотлардан кўриниб турибдики, иккала гуруҳ қизлари учун ҳам келажакда аҳамиятли бўлган қадриятлардан бири “саломатлик”дир. Ушбу қадрият аксарият қизлар жавобида “1” грифи билан белгиланган, айниқса, нотўлиқ оила вакиллари учун унинг қадри янада юқори – 93,0 коэффицентга эга. Қолган қадриятлар борасида иккала гуруҳ тасаввурларида муайян фарқ бор. Масалан, тўлиқ оила қизлари учун истиқболда жўшқин, сермазмун ҳаёт кечирish ёки касби борасида омадлироқ бўлиш қадрланса, нотўлиқ оиладан чиққан қизларга “жўшқин ҳаёт”дан кўра “моддий таъминланганлик” (83,7), “тажрибалилик” (81,4) аҳамиятлироқ. “Жўшқин ҳаёт” (58,1) коэффицент нуқтаи назаридан тўлиқ оила қизлари маълумотида жуда яқин (уларда 58.9), лекин рейтинг маъносида 4-чи ўринда келмоқда. Худди шундай дастлабки ўнталик қадриятлари қаторида қайд

этилган бошқа кадриятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иккала гуруҳ учун ҳам юқоридаги иккита кадриятдан ташқари яна “касбий омад” (мос равишда тўлиқ ва нотўлиқ оила вакилаларида – 57,8 ва 51,2), “оилавий ҳаётдаги бахт” (мос равишда – 35,6 ва 50), “мустақиллик” (мос равишда – 27,8 ва 57), “моддий таъминланганлик” (мос равишда – 25,6 ва 83,7) каби кадриятлар юқори рейтингларда қайд этилган. Лекин уларнинг гуруҳ доирасидаги қайтарилишидаги фикрлар уйғунлиги нотўлиқ оила вакилалари бўлган қизлар фикридаги уйғунликдан, яқинликдан дарак беради. Масалан, “моддий таъминланганлик” кадриятини ўзига эътибор берадиган бўлсак, иккинчи гуруҳ вакилалари, яъни, нотўлиқ оиладаги қизларнинг аксарияти бу кадриятни 2-чи ўринга қўйиб, танлашда фикрлар бирлигини кўрсатган бўлса - (83,7 коэффицент), тўлиқ оила қизлари учун бу кадриятдан афзалроқлари мавжуд ва бу кадриятга муносабат билдиришда улар фикрида яқинлик унчалик кўринмайди, чунки бу гуруҳда ушбу кадриятнинг қайтарилиш коэффицентлари 25,6 ни ташкил этади.

#### 4-жадвал.

#### Тўлиқ ва нотўлиқ оила вакиллари бўлган ўсмир ва илк ўспирин ёшли қизлар (n= 176)нинг ҳаётий кадриятларни (А блок) баҳолашлари натижаси

Кадриятлар	Тўлиқ оила қизлари (N= 90)		Кадриятлар	Нотўлиқ оила қизлари (N= 86)	
	Абс.	Коэф.		Абс.	коэф
1.Саломатлик	71	78,9	1.Саломатлик	80	93
2.Жўшқин ҳаёт	53	58,9	2.Моддий таъминланганлик	72	83,7
3.Касбий омад	52	57,8	3.Тажрибалилик	70	81,4
4.Муҳаббат	40	44,4	4.Жўшқин ҳаёт	50	58,1
5.Эркинлик	33	36,7	5.Мустақиллик	49	57
6.Бахтли оилавий ҳаёт	32	35,6	6.Касбий омад	44	51,2
7.Жамиятда ўринга эга бўлиш	31	34,4	7.Бахтли оилавий ҳаёт	43	50
8.Мустиқиллик	25	27,8	8.Маънавий камолот	43	50
9.Моддий таъминланганлик	23	25,6	9.Яқинларнинг бахти	33	38,4
10.Кенг тафаккур	17	18,9	10.Кексалик хузур-ҳаловати	20	23,3

Кейинги босқичда биз бу иккала гуруҳнинг таянч, инструментал кадриятларга муносабатларини ўргандик, бунда ҳам юқоридаги тамойилларга асосландик. Масалан, “билимлилик” кадрияти тўлиқ оила вакилаларида 1-чи ўринда (30,0) турган бўлса, нотўлиқ оила вакилалари жавобида 9-чи ўринда, лекин 26,7 коэффицент билан турибди. “Ахлоқийлик” каби муҳим кадрият бунинг акси – нотўлиқ оилада 1-чи ўринда, тўлиқ оилада – 9-чи ўринда, ва анча паст коэффицентда акс этган.

Умуман олганда, нотўлиқ оила вакиласи бўлган қизларнинг ушбу блок натижалари улар фикрида умумийлик ва бирликни кўрсатди. Уларда энг қадрли сифатида “ахлоқийлик”, “сабрлилик”, “ўзини ўзи назорат қилиш”, “одиллик” кабилар, тўлиқ оила вакилаларида эса кўпроқ интеллектуал ва иродавий сифатларни кадрлаш тенденцияси намоён бўлди, “билимлилик”, “кучли ирода”, “тартиб, интизом”, “қувноқлик” кабилар кўпроқ қадрли, Бевосита фарқ қилувчи сифатларга келсак, тўлиқ оила қизларида юқори рейтингда қайд этилган “кучли ирода” ва ҳар бир ишга, фаолиятга нистабан “жавобгарлик, масъулият” қадриятлари иккинчи гуруҳда биринчи ўнликлар қаторидан ўрин олмаган, худди шундай нотўлиқ оила вакилаларида қайтарилган “ўзини ўзи назорат қилиш” ва “одиллик” каби сифатлар биринчилар қаторида йўқ. Бу ҳам ахлоқий қадриятлар ва уларнинг шаклланишида муайян шахсий позицияларда фарқ бўлиши, бунда ўсмир ва илк ўспиринлик ёшидаги болани бевосита ўраб турган ижтимоий муҳит ва ундаги шахслараро муносабатларнинг таъсири мавжуддир, деган фикрни тасдиқлайди.

